



# O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2024 yil «2» июль

№ПФ-98

## Мактабгача ва мактаб таълими соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Мактабгача ва мактаб таълимида яхлит давлат бошқаруви тизимини ташкил қилиш, ушбу соҳадаги долзарб муаммоларни самарали ҳал этиш, давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда мактабгача таълим йўналишида белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришишни таъминлаш мақсадида:

1. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг Мактабгача таълим агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) фаолиятини тугатиш ҳамда Агентликнинг ташкилий тузилмасидаги ташкилотларни 1-иловага мувофиқ вазирлик тасарруфига ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги зиммасига қўйидаги қўшимча функцияларни бажариш юклатилсин:

илфор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

мактабгача таълим ва тарбия жараёнига замонавий инновацион педагогик технологияларни, таълим ва тарбиянинг самарали шакллари ҳамда усувларини жорий этиш;

мактабгача таълимнинг ўқув режа, дастур ва ўқув-методик мажмӯаларини такомиллаштириш, уларнинг умумий ўрта таълим дастурлари билан узвийлигини таъминлаш;

давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари орасида соғлом рақобат муҳитини яратиш ҳисобига барча болаларнинг мактабгача таълим билан босқичма-босқич қамраб олиннишини таъминлаш;

Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligi

нодавлат ва давлат-хусусий шериклик асосидаги мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш, уларга қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ субсидия ва компенсациялар ажратиш, берилаётган давлат кўмедининг самарали ва мақсадли ишлатилиши устидан таъсирчан назоратни ўрнатиш;

мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларининг рационал ва белгиланган меъёрлар асосида соғлом ва тўғри овқатланишини таъминлаш;

соҳада замонавий ахборот технологияларини қўллаш, бошқарув жараёнларини рақамлаштириш ва ҳужжатлар айланмасини қисқартириш орқали мактабгача таълим хизматлари сифатини ошириш.

**3.** Мактабгача таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш мақсадида Агентлик фаолиятини тугатиш натижасида мақбуллаштириладиган **66 та** штат бирликлари қўйидагича тақсимлансин:

**39 та штат бирлиги** – Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг марказий аппаратига;

**14 та штат бирлиги** – Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бошқармаларига;

**13 та штат бирлиги** – Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар педагогик маҳорат марказларининг методик хизмат кўрсатиш бўлимларига берилсин.

**4.** Белгилансинки, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Агентликнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

**5.** Агентликнинг Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 17-ўй манзилидаги бино-иншоотлари оператив бошқарув ҳуқуқи асосида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига берилсин.

**6.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

**7.** Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри